

Ўзбекистонда олиб борилган катагонда фаол иштирок этган ва кўплаб бегунох ватандошларимизнинг ёстигини куритган кимсалардан бири Г. Агабековдир. Францияда чоп этилган «Ёш Туркистон» журналининг 1930 йил 11-сонидан унинг Шермухаммадбек хакидаги бўхтон ва маломатларга тўла мақоласи босилган. Журнал хайъати, афтидан, бу мақолани советларнинг «босмачилар»ни фош этиш мақсадида хорижда тарқатилган бирор нашридан олган ва Шермухаммадбекнинг унга раддия ёзишига умидвор бўлган. «Биз, — дейилади хайъатнинг шарҳида, — хақиқий Туркистон миллатчиси бўлган Шермухаммадбекнинг бу чекистлар томонидан унинг устига отилмоқда бўлган доғни тозалаб олажасизга инонамиз».

Кўп ўтмай, Шермухаммадбек Агабековнинг тухматномасига жавобан Кобулдан ўз раддиясини йўллаган.

«Мана энди, — дейилади журнал хайъатининг навбатдаги шарҳида, — Шермухаммадбек ўз раддиясини юбориб ўтирибдур. Бу раддия бўлмаса ҳам бизнинг Шермухаммадбекка раддияси ила большевикларнинг шайтонлигини яна бир дафъа ортук майдонга чиқаргон бўладур».

Журнал шу шарҳ билан Шермухаммадбекнинг Кобулдан йўллаган хатини чоп этади.

Куйида ушбу хат матнини айнан келтирамиз:

«Севикли афандилар!

Чин кўнгилдан кайнаб чиққан арз ила ихлос-хурматларимни қабул этингиз. «Ёш Туркистон» журналида бурунги чекистлардан Огабековнинг хотираларида меним устимга айтилган кир бўхтонни ўқиб, жуда ўқиндим ва бу журналнинг ўз пайтида менга келиб етмаганига кўп кайгурдим.

Тангри ярлакасин, шу кунларда мухтарам муфти Садриддинхон хазратларининг Кобулга келиб чиқишлари журналнинг бу масала ила алоқадор сонини ўқиб чиқишимга сабаб бўлди. Шу пайтдаёқ кўлимга қалам олиб, ўзимнинг миллий муқаддас вазифамни бажаришга, устимга ҳақсиз отилган қора тухматни итқитиб ташлашга қарор қилдим.

Истакли афандилар! Бизнинг миллий ва эзгу вазифаларимизни онглашиб, чиқиб ўтишларингизга чин юракдан миннатдорлик қиламан. Тўғри, Туркистоннинг хур тирилиши учун кўкрагини қериб, қурашиб ўлган мингларча Туркистон шаҳидларининг муборак қонлари масъулияти устимизда эканлигини биз, мужоҳидлар, сира унутмаймиз. У мухтарам шарафлик шаҳид тугонларимизнинг қонлари бизни бундай кир манжус тузукка илинмаслигимизни амр этади. Оё бу кунларда большевикларнинг мингларча миллат ҳодимларимизни ноҳақ ўққа тизиб тургон қандай бир виждонсиз ҳоин уларнинг кўмагига қўл узатади экан?..

Мен Огабеков ва унинг манжус идораси ГПУ вакиллари билан ҳеч вақт ҳеч қандай ерда қўришмадим. Пул ҳам олмадим, ҳақимдаги сўзларнинг бошдан-оёқ қип-қизил ёлгон эканини очик-ойдин эълон қиламан.

Огабековнинг кўлида мени қоралайтургон қичкина бир далил бор бўлса, мана, майдон, марҳамат этсин! ГПУ тузоғига илинадиган айғок қони менда йўқ. Мен бошқа мужоҳидлар билан бирга шараф билан миллатимнинг қутулиши учун қоришдим. Кўксимни ўққа девор қилиб уришдим. Уша синашда душманамиз бўлган золим большевиклар ила бундан кейин ҳам урушишга ҳозирман.

Мухтарам афандилар!

Меним юқорида ёзган қичкина раддиямни менадан бўлмагон сабабларга биноан

кечикишига карамай, журналингизга босиб, дунёга таркатсангиз, бўйимга буюк бир миннат кўйгон бўлур эдингиз.

Тўлик хурматларимни қабул этингиз.

Шермухаммадбек.

Афғонистон. Кобул.

8 ноябрь 1934 йил»:

Бу хужжатни келтиришдан мақсад, аввало, совет даври тарихининг очилмаган саҳифаларини ҳолисона ёритиш, совет сиёсий тузумининг Компартия, ВЧК, ЧК, ГПУ ва шу каби ташкилотларининг муҳолифларни нафакат ўз халқи олдида, балки жаҳон микёсида ҳам обрўсини тўқиш учун ҳар қандай қабихликдан қайтмаганлигини яна бир бор кўрсатишдир. Колаверса, ёш тарихчиларни истиклолчилик ҳаракати қатнашчиларининг ўз қўллари билан битилган ёки улар фаолиятига оид шу сингари хужжатларни топиш ва ўрганишга даъват этишдир.

Биз 1995 йилнинг кузида хизмат сафари билан АКШда бўлганимизда Нью-Йоркда истикомат қилаётган Давронбек исмли ватандошимизнинг хонадонига таклиф қилиндик. Давронбек номи юқорида неча бор тилга олинган Шермухаммадбекнинг ўғли бўлади. У билан бўлиб ўтган суҳбатимизда Шермухаммадбекнинг укаси Нурмухаммадбекнинг ўғли Анварбек ака ҳам қатнашди. Биз оилавий архив хужжатлари билан бафуржа танишиб чиқдик. Давронбек ва Анварбек ака ўз падари бузрукворларидан эшитган эсдаликларини, тарихий воқеаларни сўзлаб беришди, биз кунт билан тингладик ва диктофонга ёзиб ҳам олдик.

Шу суҳбатдан маълум бўлишича, ака-ука Шермукаммадбек ва Нурмухаммадбеклар бир гуруҳ понсодлар билан бирга 1927 йил шаъбон ойининг биринчи куни Кобул шаҳридаги Боғи Алимардонда тўпланишади. Улар 1917—1924 йилларда Фаргона водийсида олиб борилган кураш лавҳаларини эслашади ва андижонлик Абдулхай Махдум бўлиб ўтган суҳбатни келажак авлодларга тарихий хужжат сифатида қолдириш мақсадида ёзиб олади. Давронбек Абдулхай Махдум томонидан эски туркий тилда арабча имлода ёзилган мазкур хужжатни бизга лутфан тақдим этган бўлиб, унда мана бундай сўзлар бор:

«Мухтарам орқадошлар!

...Русияда хуррият тарафдорлари Русия императорлигига қарши бир ҳаракат этишибдур. 1333 хижрийда, иутобик 1917 исавийда мухториятларини олиб ҳар миллат ўз ҳуқуқига соҳиб ўлуб, икки йил хуррият тарихи ила сурди. Бу ҳуқумат ташкил ўлуб, усули салтанати усули машварот-ла тақдил этилдилар. Оқибат мухториятчилара қарши инқилобчилар ҳуруж қилиб, коммунист ёки большевик шиори ила буюк бир тўфон келтурди. Бу тўфоннинг ҳашоратлари ва захарлари-ла ҳайвонотлари бечора оқ гуруҳларни ҳалок этиб, мухториятни да махв этди. Бу мухораба икки йил давом этди. 1136 хижрийда большевизм галаба қозониб, бу нархнинг раҳнамоси асли яҳудий ва кейин руслашмиш Ленин номида бир инқилобчи ўлуб, бутун Русияда ҳоким ўлди. Сўнгра бу большевизмга Русия ва мусулмон миллатчилари тақрор исён этиб, бир тарафдан мухораба очдилар. Жумладан, ...Фаргона, Хива ва Бухоро атрофларидан чўх мужоҳидлар майдони мухорабая отилдилар. Булардан машҳурлари, етти йил давомида гайрат этганларидан икки қимса эди. Бири Фаргона мужоҳидлари раиси Шермухаммадбек эса, иккинчиси

Бухоро мужоҳидлари раиси Иброҳимбек эди...»

Шундан сўнг хужжатда Шермухаммадбекнинг таржимаи холи ва олиб борган курашидан айрим лавҳалар келтирилган. Куйида улардан айримларини айнан китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз:

«Шермухаммадбек жаноблари зотинда бир ўзбек жамоасиндан ...ўлуб, оталари Кўшок Мирзо хожи номли бир зот эди. Булар отадан тўрт эр вужудга келиб: биринчиси Тошмухаммад, иккинчиси Рўзимухаммад, учинчиси Шермухаммад, тўртинчиси Нурмухаммадбеклар эди. Булардан учинчилари Шермухаммадбек большевизмдан ватанларини куткармок учун 1917 да мухорабага отилиб чиқди. Бу зот ибтидоий чиқдигинда юз нафарча йигитлари ила гайрат этиб, икки сиза тарофинда мингларча аскарларга соҳиблик ўлди. Шул вақтда Фаргонани ҳар бир атрофидан чиқмиш мужоҳидлара бошлиги, кўрбоши номи ила шуҳратланиб, умуман бир раислари йўқ эди. Сўнгги саҳифаларда ёзилмиш 8 нафар кўмондон бир кўрбошилиқда ҳокими мулкдор каби ўз аскарларига ҳукм юритар эди. Сўнг бу кўрбошилар қувват топиб, 1918 да мазкур Шермухаммадбек умуман Фаргона мужоҳидларига раис ўлди. Бу раислиқда тўрт йил давом этди. Бу вақтда юз минг мунтазам аскарларга молик ўлуб, бир эр каби фармон этар эдилар. Шу 1924 сана Шаркий Бухородан Анвар пошо марҳум қарши иш очиб, Шермухаммадбекни кўмак учун чақирди.

Жавобан Шермухаммадбек кўмак учун биродари Нурмухаммадбекни икки минг қахрамон йигитлари ила юбориб, ортидан ўзи ҳам Анвар пошо марҳум ҳузурларига юрдилар. Бахтсиз миллат Туркистон икболи йўқлигидан бу мужоҳидлар ҳар бирига етушмасдан, аввал Шаркий Бухоронинг бир қарияси атрофинда Балжувон номли шум бир ерда руслар тарафидан даҳшатли бир ҳужум Анвар пошо устину отилиб, бу ерда дохий, машҳур қахрамон гоший Анвар пошони шафокат қони-ла бўяди.

Одами ислом учун бидмас даражада бир жароҳат ва алам тортилди. Сўнг Шермухаммадбеклар етишуб, бу воқеадан чўх аламли ва гамгин ўлди. Сўнг етти кунга таъзия маросимларини адо этиб... очмок учун келмиш Сомийбек ила биргалиқда иш қилмок бўлдилар. Оқибат бу икки мужоҳидларга ҳаргиз бадбахтлар ёлгон сўзлар тошуб, ўрталарига бир буюк адоват солди. Шермухаммадбек Сомийбекдан ажраб, тоғ тарафга юрмокчи бўлди. Сомийбек қувлаб ўкка тутди. Ўртада бир неча адад йигитлар шаҳид ўлуб, қувватлари бўлинди. Сўнг ҳалокатлар бири ортидан бири келиб Сомийбекда, бошқасида бир тарафга қочди. Фурсатдан истефодаланиб, Русия буюк ҳужумлар этди. Шермухаммадбек жаноблари шу 1324 да 300 (уч юз) аскарлари ҳоқи муқаддас Афғонистона Бадахшонда, Хонабодда давлат тарафидан бир неча ой меҳмон этилдилар. Сўнг мазкур сана давлати Хитойга бордилар. Ул ерда давлати Англиядан кўмак сўраб, Русияга қарши такрор мухораба очмокчи ўлдилар. Сўнг Хитой тарафасидан юриб, такрор Афғонистонга қелуб, бу ерда давлати олия чўх кўмак ва пуллар берилиб, туз тотилдилар. Бу вақтда алар Қобулда муқим бўлиб, бир ойда минг рупия ҳукумат тарафидан кўмак олиб турардилар. Қамина хизматқоринда Нормухаммадбек биродарлари ва бошқа 15—20 нафар йигитлари ҳозирдирлар. Атрофлари ила мухорабалар етишуб, миллат вазифаларинда қолишуб турмокдалар. Аллоҳ жаллаҳу жаллалох бек соҳибнинг мақсудларина ҳосил этсун. Омин!»

Мазкур хужжатда Фаргона водийсида большевикларга қарши курашган лашқарбошилар, кўрбошилар на улар ҳақида маълумот келтирилган. Улардан энг машҳурлари қуйидагилар:

Шермухаммадбек 23 ёшида большевизмга қарши курашга қиришиб, аввал 13 минг, сўнг

103 минг лашкарга эга бўлган. Унинг етакчилигида Эргашбек, Мадаминбек, Холхўжа эшон, Парпибек, Мухиддинбек, Омон Полвон, Нурмухаммадбек, Жонибек козилар миллий-озодлик йўлида кураш олиб борганлар.

Кўконлик Эргашбек 35 ёшида 6 йил уруш олиб борган, 12 минг аскари бўлган, мухораба майдонида шахид бўлган.

Маргилонлик Мадаминбек 23 ёшида 10 минг аскари билан уч йил уруш олиб борган, 1920 йил майида шахид бўлган.

Ўшлик Холхўжа 43 ёшида 8 та лашкар бошликлари, 10 минг аскари бўлган; бир гурух йигитлари билан Олой водийсида қор кўчкиси тагида қолиб кетган.

Андижонлик Парпибек кўрбоши 35 ёшида 8 нафар лашкар бошликларига, 10 минг жангчига эга бўлиб, 5 йил кураш олиб борган. 1921 йили Сузокда шахид бўлган.

Кўкжарлик Мухиддинбек 40 ёшидан бошлаб 11 та лашкарбоши, 13 минг киргиз йигитларидан иборат жангчилар билан 7 йил уруш олиб бориб, шахид бўлди.

Наманганлик Омон Полвон 6 лашкарбоши, 8 минг аскар билан 7 йил жанг қилиб, шахид бўлган.

Яккатутлик Нурмухаммадбек 18 ёшида 7 йил уруш олиб бориб, 1975 йили Туркияда вафот этган.

Ўзганлик Жонибек кози миллий курашни бошлаганида 50 ёшда эди. У 4 нафар лашкарбошига ва 10 минг аскарга эга бўлиб, 7 йил уруш олиб борган, сўнг Шаркий Туркистонга мухожир бўлиб ўтиб кетган.

Эргашбек кўрбошининг кўли остида қуйидаги лашкарбошилар бўлган:

Кўконлик Эшмухаммадбек, 35 ёшда;

Олтиариклик Тўйчибек, 35 ёшда;

Кўштегирмонлик Мирзо Улугбек, 25 ёшда;

Яйпанлик Ислон Полвон, 35 ёшда;

Бешариклик Хамдам хожи, 35 ёшда;

Киссакўзлик Усмон дев, 30 ёшда;

Олтиариклик Султон Гозий, 40 ёшда;

Ворухлик Мулла Пўлат, 30 ёшда;

Сўхлик Абдурахим Махдум, 45 ёшда.

Мадаминбек кўрбошининг кўли остида қуйидаги лашкарбошилар бўлган:

Найзакайрагочлик Солих Махдумбек, 30 ёшда;

Наманганлик Исмоил Полвон, 32 ёшда;

Калмоқлик Усмонбек, 33 ёшда;

Окёрлик Козокбойбек, 26 ёшда;

Коракийиклик Хошнм Полвон;

Имомоталик Холхўжа Соҳиб қори, 35 ёшда; Аравонлик Йўлчибек, 32 ёшда;

Булокбошилик Теша Кайсар, 30 ёшда;

Ўшлик Оксок Ниёз, 25 ёшда;

Ўшлик Нўъмонбек, 20 ёшда;

Сузоклик Мулла Умрзокбек, 40 ёшда;

Ўшлик Саид Ахмадбек, 25 ёшда;

Султонободлик Йўлдош Полвон, 30 ёшда.

Буларнинг ҳаммаси большевиклар билан жангларда шахид бўлган. Уларнинг ҳар бири қарамоғида 1000— 1200 нафардан ўзбек ўғлонлари бор эди.

Андижонлик Парпибек кўрбоши қарамоғида 7 нафар лашкарбоши бўлиб, ҳар бирида

1000—1200 йигит бўлган бу лашкарбошилар ҳам большевикларга карши олиб борилган жангларда кахрамонларча шахид бўлишган. Улар куйидагилардир:

Хирабеклик Юнусбек кўрбоши, 45 ёшда; Омончўралик Исроилбек;

Урганжилик Махкам хожи, 40 ёшда;

Мурободлик Козокбой, 25 ёш;

Мулла Абдураззок, 30 ёшда;

Андижонлик Охунжон, 35 ёшда;

Мирза Тога, 50 ёшда.

Омон Полвоннинг кўли остидаги лашкарбошилар: Куршоблик Рахмонкулбек, 40 ёшда;

Баликчилик Йўлдош Чумок, 30 ёшда;

Хўжабодлик Сотиболди кози, 32 ёшда;

Баликчилик Рўзимухаммадбек, 27 ёшда;

Хивалик Хожи Тўрабек, 35 ёшда;

Момохонлик Бойтуманбек, 35 ёшда.

1000—1200 йигитларга рахбарлик килган бу лашкарбошилар ҳам шахид бўлганлар.

Мазкур хужжатга кўра, Нурмухаммадбекнинг кўмондонлиги остида куйидаги 25 нафар лашкарбоши бўлган (энг ёши 18 ёшлик):

Кумариклик Сотиболди Сохиб, 18 ёшда;

Гарбувалик Умар билан Тошмухаммад;

Абусиёлик Дардакбек;

Корасоколлик Эргаш Полвон ва Юсуф Полвон;

Сувкечиклик Аскарбек;

Чеклик Рахматали;

Хонариклик Жўрабек ва Эргаш;

Тевагумлик Авлиёхон Тўра;

Гарбувалик Рўзимухаммад;

Кизилоёклик Ахмад Полвон;

Зилгалик Алиёрбек ва Ганихон;

Сукоклик Тўхтасин;

Хўжахасанлик Умарали кулок;

Толмозорлик Мулла Хотам;

Шўрбулоклик Мухаммад Рўзибек;

Коросконлик Юсуфжон Махмуд;

Жугонлик Мулла Пўлат;

Шокир кўрбоши;

Тожикишлоклик Кўшмурод;

Олтиариклик Корабой;

Найнавалик Мухаммадали.

Жонибек козининг ихтиёрида 4 нафар лашкарбоши бўлиб, улар ҳам большевизм билан курашда шахид бўлганлар:

Шамсибек, 47 ёшда;

Олайкуллик Жамолбек, 30 ёшда;

Ўзганлик, куршоблик Кодирбеклар 35 ёшда, киргиз;

Куршоблик Путиков, 34 ёшда, рус.

1927 йили Кобулдаги Боги Алимардонда айтилган хотира ва тузилган шахид лашкарбошилар рўйхатидан кейин мана бу сўзлар битилган:
«Кабрингда рохат топ, миллат шахидлари, ёш Фаргона мужоҳидлари, қахрамонлари. Яшасун миллат қахрамонлари.
... Ох, Фаргона!».

Ўйлаймизки, Фаргона водийсида 1917—1924 йил- ларда олиб борилган ҳаракатда иштирок этиб, шахид кетган бу кўрбоши ва лашкарбошилар ҳамда уларнинг қўли остида жанг қилган йигитларни авлодлар мустамлакачилик даврининг қурбонлари сифатида тилга оладилар.

Р. Шамсутдинов